


ХАБАРЛАР

ОПЕК+ давлатлари нефть ишлаб чиқаришни оширишга келишиб олди

5 дақиқа аввал



ОПЕС қароргоҳи, Вена

Жаҳон нефть бозорида таклифни кўпайтириш мақсадида ОПЕК+ гуруҳи август ойидан бошлаб нефть ишлаб чиқариш бўйича мақсадли кўрсаткичларни яна оширишга келишди.

Бу қарор Ҳормуз бўғозининг аста-секин қайта очилиши ортидан нефть нархлари пасаяётган бир даврда қабул қилинди.

5 июль кунини онлайн форматда ўтказилган йиғилишда норасмий нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар альянсини июнь ва июль ойлари учун аввалдан белгиланган ўсишларга қўшимча равишда кунлик ишлаб чиқариш ҳажмини 188 минг баррелга оширишга келишди.

Ташкилот тарқатган баёотга кўра, Саудия Арабистони, Россия, Ироқ, Кувайт, Қозоғистон, Жазоир ва Умон энергетика вазирлари виртуал музокаралар ўтказиб, август ойидан бошлаб "ишлаб чиқариш ҳажмини тузатиш"ни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилган.

Бу қадам жаҳон бозорида нефть таъминотини кенгайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилгани қайд этилмоқда.